

ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

С.Б.Файзиев

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура босқичи тингловчиси*

Аннотация; *Мазкур мақолада жиноят натижасида етказилган мулкый зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари таҳлил қилинади. Жиноят оқибатида етказилган мулкый зарарни қоплашда фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг ҳуқуқий асослари, уларнинг қўлланиш доираси ҳамда суд амалиётидаги ўзига хос жиҳатлар ёритилади. Шунингдек, мулкый зарарни қоплашнинг шартлари, усуллари ва шакллари, жавобгарликнинг вужудга келиш асослари ҳамда жабрланувчининг мол-мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари кўриб чиқилади. Мақолада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий муносабатлар билан ўзаро боғлиқлиги, амалда учраётган муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий хулосалар баён этилади.*

Калит сўзлар: *жиноят, мулкый зарар, зарарни қоплаш, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, компенсация, жабрланувчи, суд амалиёти, мол-мулкый ҳуқуқлар.*

Бугунги кунда жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жиноят натижасида зарар кўрган жабрланувчилар жиноят содир этган шахсларнинг жазоланишини эмас, балки ўзига етказилган моддий, манавий ёки жисмоний зарарни қоплаб берилишини сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожат қилишади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82 моддасига асосан жиноят туфайли етказилган зиённингнинг хусусияти ва миқдори жиноят ишида исботланиши лозим бўлган ҳолат ва айблаш учун асос ҳисобланади. Жиноий қилмиш натижасида етказилган мулкый зиённинг миқдори ўз навбатида жиноятнинг юридик квалификациясига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қароридатаъкидланишича, “Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек давлатнинг мулкый ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади”.

Зиён тушунчасига тўхталадиган бўлсак, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “зарар” ва “зиён” тушунчалари ўзаро синоним эканлиги қайд этилганлигини учратдик.⁵

⁵ Т. Мирзаев ва бошқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Ж. 2. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. □ 265 бет; (T.Mirzaev and others. Explanatory Dictionary of the Uzbek language: J. 2. – T.: National inciclopedia of Uzbekistan, 2006. Page 265.)

Б.М. Хамрокулов юридик жиҳатдан “зарар” ва “зиён” тушунчаларини таққослаб, улар синоним эмас, балки бир-биридан алоҳида тушунча эканлигини таъкидлаб ўтган. ⁶Унинг фикрича, “ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) моддий неъматларни қамраб олса зарар келиб чиқади. Ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари камситилса зиён келиб чиқади”. С.В. Кравцованинг таъкидлашича, “зарар” тушунчаси “зиён” тушунчасига қараганда анча кенг бўлиб, “зиён” фақат етказилган зиённи ифодалайди, бошқа ҳолатларни, масалан, бой берилган фойдани қамраб олмайди.⁷

Жиноят процессида қўзғатилган фуқаровий даъво, фақатгина бевосита зиённи эмас, балки кўрилган зарарни ундиришни ҳам қўзда тутди. Ўз навбатида биз процессуал жиҳатдан Б.М. Хамрокуловнинг юқорида қайд этилган фикрларига қўшилмаган ҳолда, С.В. Кравцованинг мулкий зарарга берган тушунчаси жиноят процессида фуқаровий даъвонинг моҳиятига тўғри келади, деб ҳисоблаймиз ва амалдаги ЖПКнинг 82, 235, 248, 260-моддаларида, 5-бўлимнинг номланишида, 276, 277, 278, 281, 283, 285, 293, 302, 303-моддаларида, 38-бобининг номланишида, 304, 305, 306, 307, 309, 312, 313, 339, 362, 470, 471, 533, 577, 583-моддаларида қайд этилган “зиён” сўзларини “зарар” сўзлари билан алмаштиришни таклиф этамиз, чунки ЖПКдаги 18, 54, 56, 58, 84, 154, 211, 212, 232, 233, 248, 255, 302, 393, 396, 398, 413, 457, 467, 490, 549, 585 ва 586 моддаларнинг давлат ва рус тилларидаги ва юқорида қайд этилган моддаларнинг рус тилидаги матнларида айнан “зарар” сўзи қайд этилган бўлиб, шу сўздан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Шу билан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси ва унинг Умумий ва Махсус қисмларига ёзилган шарҳларга эътибор қаратсак, жиноятдан кўрилган оқибатлар “зарар” тушунчаси асосида таърифланган, “зиён” тушунчаси эса деярли қўлланилмаган.⁸

Жиноят туфайли етказилган зарар моддий ва номоддий шаклларда ўз ифодасини топади. Бунда шуни тан олиш керакки, номоддий зарар оқибатларини сон (пул) эквивалентида ўлчаш, белгилаш ва уларни қоплашда бир қатор қийинчиликлар учрайди. Масалан, жиний қилмиш туфайли (безорилик, зўрлаш, тухмат, ҳақорат ва ҳ.) инсонга етказиладиган жисмоний ва маънавий азобларнинг миқдорини моддий жиҳатдан қандай белгилаш мумкин? Бевосита мулкий зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда, яъни ўғрилик, босқинчилик, фирибгарлик каби

⁶ Хамрокулов Б. М. Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 65

⁷ Кравцова С. В. Уголовно-процессуальный статус гражданского истца и гражданского ответчика на стадии предварительного расследования: понятие, сущность и основания возникновения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург: СПб. Университет МВД России, 2003. – 310 б.

⁸ Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси Б. М. Мустафоевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ИLM ZIYO, 2006. – 608 б.;

ҳаракатларда тажовуз объекти мавжуд бўлиб, бунда етказилган мулкӣ зарарни ўлчаш ва баҳолаш, демакки, қоплаш мумкин бўлади. Ушбу жиноӣ ҳаракатлар биринчи навбатда мулкка йўналтирилган бўлади, шунинг учун ҳам жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарнинг қийматини белгилашда қийинчилик туғилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасида зарар тушунчасига қуйидагича тариф берилган, “Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахсининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқӣ зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололма қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади”.

Дастлабки тергов, суриштирув ва судда жиноят ишларини юритишда жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплаш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлишимиз мумкин:

- мулкӣ зиён мавжудлигини, агар мавжуд бўлса унинг ҳажми қанчалигини аниқлаш;
- мулкӣ зиён етказилган шахслар(юридик ёки жисмонӣ) доираси ва уларнинг ҳар бирига етказилган мулкӣ зиённи аниқлаш;
- мулкӣ зиён етказилган шахсларни фуқаровий давогар деб эътироф этиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқариш;
- мулкӣ зиён етказган шахслар, шунингдек мулкӣ зиённи қоплаб берувчи бошқа шахслар (фуқаровий жавобгар) борлигини аниқлаш;
- мулкӣ зиён мавжудлигини исботловчи далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш;
- етказилган зиённи ихтиёрий тартибда қопланиши чораларини кўриш;
- мулкӣ зиён етказган шахсларнинг зиённи қоплашга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари борлиги ва уларни хатлаш чораларини кўриш;
- суд жараёнида фуқаровий даво масаласини кўриб чиқиш;
- суд ҳукми (ажрими) билан етказилган мулкӣ зиённи ундирилиши масаласини хал қилиш;
- суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жиноят туфайли етказилган зарар моддий ва номоддий шаклларда ўз ифодасини топади. Бунда шуни тан олиш керакки, номоддий зарар оқибатларини сон (пул) эквивалентида ўлчаш, белгилаш ва уларни қоплашда бир қатор қийинчиликлар учрайди. Масалан, жиноӣ қилмиш туфайли (безорилик, зўрлаш, тухмат, ҳақорат ва ҳ.) инсонга етказиладиган жисмонӣ ва маънавий азобларнинг миқдорини моддий жиҳатдан қандай белгилаш мумкин? Бевосита мулкӣ зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда, яъни ўғрилиқ, босқинчилик, фирибгарлик каби ҳаракатларда тажовуз объекти мавжуд бўлиб, бунда етказилган мулкӣ зарарни ўлчаш ва баҳолаш, демакки, қоплаш мумкин бўлади. Ушбу жиноӣ ҳаракатлар биринчи навбатда мулкка йўналтирилган бўлади, шунинг

учун ҳам жиноят туфайли етказилган мулкый зарарнинг қийматини белгилашда қийинчилик туғилмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими дастлабки терговда фуқаровий даъвогарларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида етарли даражада шуғулланмаяптилар, шу сабабли улар жиноят туфайли етказилган мулкый зарарни ундириш ҳуқуқини суд жараёнида амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар. Шу жиҳатдан жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, нафақат жиноятлардан жабр кўрганлар, балки фуқаровий даъвогарларнинг ҳам эҳтиёжлари ва кўрган жабрлари, мулкый ва бошқа турдаги зарарларини тўла ундириш принципи эълон қилинган БМТнинг Еттинчи конгрессида 1985 йил 29 ноябрдаги қабул қилинган “Ҳокимиятнинг суистеъмолликларидан ва жиноятдан жабр кўрганлар учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги халқаро декларацияни Ўзбекистон Республикасининг ратификация қилиши эҳтиёжи долзарб бўлиб қолмоқда.⁹

Т.Р. Галимовнинг таъкидлашича, жиноят ишида кўзғатилган фуқаровий даъвонинг суд томонидан тез кўриб, ҳал этилиши ва суднинг фуқаровий даъво бўйича қарорининг ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек жабрланувчи ёки бошқалар томонидан фуқаровий даъво кўзғатилишини ҳисобга олган ҳолда ишни судга қадар юритишда жиноят натижасида етказилган зарарнинг ихтиёрий равишда қопланиши ҳимоя воситаларидан бири ҳисобланади.¹⁰

В.П. Божьевнинг фикрича, жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашда жабрланувчи ва бошқаларнинг кўзғатилган фуқаровий даъвосини ҳисобга олиб, жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида жиноят туфайли етказилган мулкый зарарнинг кўнгилли равишда ундириб берилиши учун иложи борица шарт-шароитни яратиб бериш зарур. Жиноят туфайли етказилган мулкый зарарни ундириш тартиби қуйидаги белгиларга эга: бу, авваламбор, жиноятдан жабр кўрган шахс ёки органнинг моддий аҳволини тиклаш борасидаги маълум бир амалий фаолиятдир. Бунда амалга оширилиши лозим бўлган ҳатти-ҳаракат процессуал, қидирув ва ижро хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда иш юритишнинг имконияти ва зарурлиги бевосита ЖПКда кўрсатилишини ҳисобга олиш керак бўлади.

Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши йўналтирилган жиноятлар жисмоний жиҳатдан зарар етказди, шунинг учун ҳам уларни бевосита ундиришнинг имконияти мавжуд бўлмайди. Аммо тан олиш керакки, жабрланувчининг сарф қилган моддий харажатларини ҳисоблаб, уларнинг ҳам миқдорини аниқлаш мумкин бўлади.

⁹ Международные конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: Сб. межд. Деклараций / Сост.: Ю. С. Пулагов. – Т.: Шарк, 1995. – 350 бет

¹⁰ Галимов Т. Р. Субъекты доказывания гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2006. – С. 9

Жиноят процессида жиноят туфайли етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъвони юритиш ва уни кўриб чиқишга имконият берувчи қоидалар Жиноят процессуал кодексида кўзда тутилган.¹¹

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, жиноят туфайли етказилган мулкӣ (моддий) зарарни ундириш жиноят-процессуал фаолият бўлиб, мазкур ҳолатда вужудга келадиган барча муаммоли масалалар қонун ҳужжатларида мос равишда қайд этилиши лозим. Мулкӣ зарарни ундириш жараёнида фойдаланиладиган муайян қоида ва усулларга келсак, ушбу ҳолатлар идоравий норматив ҳужжатларда етарли даражада кўрсатилган. Жиноят туфайли етказилган моддий зарар ундирилишида бошқа ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки, уларни амалга ошириш жиноят-процессуал қонунида қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, уларга ҳокимият ваколатига эга суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг мансабдор шахслари эгадирлар. Уларнинг фаолияти қатъий расмий хусусиятга эга ва бу орқали улар, аввало, ўз хизмат мажбуриятларини бажарадилар.

Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши йўналтирилган жиноятлар жисмоний жиҳатдан зарар етказди, шунинг учун ҳам уларни бевосита ундиришнинг имконияти мавжуд бўлмайди. Аммо тан олиш керакки, жабрланувчининг сарф қилган моддий харажатларини ҳисоблаб, уларнинг ҳам миқдорини аниқлаш мумкин бўлади.¹²

Жиноят процессида жиноят туфайли етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъвони юритиш ва уни кўриб чиқишга имконият берувчи қоидалар Жиноятпроцессуал кодексида кўзда тутилган.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, жиноят натижасида етказилган мулкӣ (моддий) зиённи ундириш жиноят-процессуал фаолият бўлиб, мазкур ҳолатда вужудга келадиган барча муаммоли масалалар қонун ҳужжатларида мос равишда қайд этилиши лозим. Мулкӣ зарарни ундириш жараёнида фойдаланиладиган муайян қоида ва усулларга келсак, ушбу ҳолатлар идоравий норматив ҳужжатларда етарли даражада кўрсатилган. Жиноят туфайли етказилган моддий зарар ундирилишида бошқа ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки, уларни амалга ошириш жиноят-процессуал қонунида қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, уларга ҳокимият ваколатига эга суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг мансабдор шахслари эгадирлар. Уларнинг фаолияти қатъий расмий хусусиятга эга ва бу орқали улар, аввало, ўз хизмат мажбуриятларини бажарадилар.

Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённинг тўлиқ ҳажмда ундирилиши ва ўз эгаларига қайтарилиши мулкнинг жиноий йўл билан эгалланишининг олдини олади ва ўз навбатида, фуқароларнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончини оширади.

¹¹ Божьев В. Гражданский иск в уголовном процессе // Законность. – Москва, 2004. – № 7. – 168 бет. (Bozhev V. Civil claim in criminal proceedings // Legality. – Moscow, 2004. – № 7. – page 168.)

¹² Самитов М. Р. Производство по рассмотрению и разрешению гражданского иска в российском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2006. – 261 бет.

Жисмоний зарар шахсни ҳаётдан маҳрум этилишида, унга тан жароҳати етказилишида ва соғлиғига зарар етишида ўз ифодасини топади. Жиноят туфайли фуқаронинг, корхонанинг, муассасанинг ёки ташкилотнинг мулкӣ ҳолатларига зарар етиши моддий зарарни келтириб чиқаради. Аммо шу билан бирга моддий зарар жиноят туфайли мулкни ўзига моддий зарар етмаган ҳолатларда ҳам, масалан, жисмоний шикаст олган жабрланувчи ўз меҳнат қобилиятини қисман йўқотиши оқибатида маошининг маълум улушидан маҳрум бўлганда, ёки унинг қонунӣ вакили унинг даволаниши учун доридармонга харажат қилганда, протез сотиб олганда, кўмиш маросимлари ва бошқа шу қабилаарга сарфлаган харажатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Жиноят туфайли вафот этган шахснинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари ёки вояга етмаган болаларини боқиш учун кетадиган харажатлар ҳам фуқаровий жавобгардан ундирилади.

Ўз моҳиятига кўра, жиноят содир этилиши натижасида етказилган ва ундирилиши жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида кўзда тутилган мулкӣ зарар, жиноят туфайли жисмоний ёки юридик шахсга етказилган бевосита зарар мулкӣ ва пул кўринишларида ўз ифодасини топади. Шунингдек жабрланувчига соғлиғини тиклаш, протез қилиш, даволанишига кетадиган пулнинг харажати шаклида, жабрланувчи вафот этган тақдирда эса, уни кўмиш ва унинг оиласини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда намоён бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жиноят туфайли етказилган зарар моддий ва номоддий шаклларда ўз ифодасини топади. Бунда шуни тан олиш керакки, номоддий зарар оқибатларини сон (пул) эквивалентида ўлчаш, белгилаш ва уларни қоплашда бир қатор қийинчиликлар учрайди. Масалан, жиноий қилмиш туфайли (безорилик, зўрлаш, тухмат, ҳақорат ва ҳ.) инсонга етказиладиган жисмоний ва маънавий азобларнинг миқдорини моддий жиҳатдан қандай белгилаш мумкин? Бевосита мулкӣ зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда, яъни ўғрилиқ, босқинчилик, фирибгарлик қаби ҳаракатларда тажовуз объекти мавжуд бўлиб, бунда етказилган мулкӣ зарарни ўлчаш ва баҳолаш, демакки, қоплаш мумкин бўлади. Ушбу жиноий ҳаракатлар биринчи навбатда мулкка йўналтирилган бўлади, шунинг учун ҳам жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарнинг қийматини белгилашда қийинчилик туғилмайди.

Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши йўналтирилган жиноятлар жисмоний жиҳатдан зарар етказади, шунинг учун ҳам уларни бевосита ундиришнинг имконияти мавжуд бўлмайди. Аммо тан олиш керакки, жабрланувчининг сарф қилган моддий харажатларини ҳисоблаб, уларнинг ҳам миқдорини аниқлаш мумкин бўлади. М.Р. Самитов мулкӣ зарарни ўз вақтида ва тўлиқ равишда ундириш нафақат жабрланувчининг моддий бойликларини тиклашга хизмат қилиши, балки мулкӣ хусусиятга эга жиноятларнинг “томирини қирқиш йўлида муҳим қадам” бўлишига урғу бериб ўтади.

Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённинг миқдори ва хусусиятини белгилаш жиноят-процессуал исботлашнинг предмети ташкил этувчи ҳолатлардан биридир. Ушбу ҳолатга боғлиқ ҳолда, содир этилган жиноятнинг квалификация масаласи ҳал этилади, шунингдек айбдорга белгиладиган жиноий жазонинг миқдори ва тури аниқланади. Ҳозирги пайтда жиноят натижасида етказилган мулкый зиёни ундиришда муайян муаммоларнинг мавжуд. Мазкур муаммолар ҳал этилиши учун, фикримизча, қуйидаги илмий асосланган таклифларни бериш мақсадга мувофиқ:

1. Жиноят ишларини кўриш жараёнида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган мулкый зиёни қоплаб бериш асосий вазифалардан бири бўлганлиги сабабли жиноят процессининг вазифаларига тузатиш ва ўзгартириш киритилиб, ЖПКнинг 2-моддаси биринчи қисми янги таҳрирда қуйидагича шакллантирилиши лозим: “Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят туфайли етказилган мулкый зиённинг ундирилишини таъминлашдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир”.

2. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 275-моддасини қуйидаги янги учинчи қисм билан тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз: “Жиноят процессида фуқаровий даъво дейилганда бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд унинг манфаатлари асосида прокурорнинг айбдорга ёки моддий жавобгар шахсга нисбатан етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни қоплаш учун жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб суд муҳокамаси жараёни тугагунига қадар билдириладиган ва жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган талаби тушунилади”.

3. Жиноят процессида моддий зарарни ундириш жараёни жиноий қилмишнинг оқибати сифатида кўриб чиқилади, жабрланувчини реабилитация қилиш, яъни унинг тикланиши билан боғлиқ харажатлар айбдор шахслардан тўла ҳажмда ундирилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 275-моддасида бой берилган фойда билан боғлиқ ҳолатларни ҳисобга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмига «бой берилган фойда ёки олинмаган даромадни ундириш» деган жумлаларни киритиш лозим.

5. Жиноят иши кўрилиши билан боғлиқ етказилган мулкый зиёни қоплаш тартиби ва аниқ механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Жисмоний зарар шахсни ҳаётдан маҳрум этилишида, унга тан жароҳати етказилишида ва соғлиғига зарар етилишида ўз ифодасини топади. Жиноят туфайли фуқаронинг, корхонанинг, муассасанинг ёки ташкилотнинг мулкый ҳолатларига зарар

етиши моддий зарарни келтириб чиқаради. Аммо, шу билан бирга моддий зарар жиноят туфайли мулкни ўзига моддий зарар етмаган ҳолатларда ҳам, масалан, жисмоний шикаст олган жабрланувчи ўз меҳнат қобилятини қисман йўқотиши оқибатида маошининг маълум улушидан маҳрум бўлганда, ёки унинг қонуний вакили унинг даволаниши учун дори-дармонга харажат қилганда, протез сотиб олганда, кўмиш маросимлари ва бошқа шу кабиларга сарфлаган харажатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Жиноят туфайли вафот этган шахснинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари ёки вояга етмаган болаларини боқиш учун кетадиган харажатлар ҳам фуқаровий жавобгардан ундирилади⁹.

Жиноят натижасида келтирилган мулкий зарарни қоплаш жиноий ҳуқуқ тизимида жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларидан биридир. Мулкий зарарни тўлиқ ва адолатли тарзда қоплаш жабрланувчиларнинг моддий ва маънавий зарарларини камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, зарарни қоплаш жиноят содир этган шахсларнинг ўз амаллари учун масъулиятини оширади ва уларнинг жавобгарлигини таъминлайди. Мазкур масалага ҳуқуқий жиҳатдан ечим топишда қонунчилик базасини такомиллаштириш, амалий чора-тадбирларни кучайтириш ҳамда суд тизимидаги муаммоларни бартараф этиш муҳимдир. Ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлаши орқали жиноят оқибатлари камайтирилиб, жамиятда ҳуқуқий тартибот

Фойдаланилган адабиётлар

1. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг** 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли қарори.
2. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг** 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.
3. **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.** (Ўзбекистон Республикаси қонуни билан қабул қилинган, амалдаги таҳрир).
4. **Мирзаев Т., ва бошқ.** Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 2-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. — 265 бет.
5. **Хамрақулов Б. М.** Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Тошкент: ТДЮИ, 2008. — 65 бет.
6. **Кравцова С. В.** Жиноят-процессуал ҳуқуқида фуқаролик даъвогари ва фуқаролик жавобгарининг дастлабки тергов босқичидаги процессуал мақоми: тушунчаси, моҳияти ва вужудга келиш асослари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Санкт-Петербург: Россия ИИВ Санкт-Петербург университети, 2003. — 310 бет.

7. **Рустамбоев М. Х.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм / Б. М. Мустафоевнинг умумий таҳрири остида. — Тошкент: ИЛМ ЗИҲО, 2006. — 608 бет.
8. **Халқаро конвенциялар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида:** халқаро декларациялар тўплами / тузувчи: Ю. С. Пулатов. — Тошкент: Шарқ, 1995. — 350 бет.
9. **Галимов Т. Р.** Россия жиноят суд иш юритувида фуқаролик даъвосини исботлаш субъектлари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Челябинск: УдмДУ ҳузуридаги Ҳуқуқ, ижтимоий бошқарув ва хавфсизлик институти, 2006. — 9-бет.
10. **Божьев В.** Жиноят жараёнида фуқаролик даъвоси // Қонунийлик. — Москва, 2004. — № 7. — 168 бет.
11. **Самитов М. Р.** Россия жиноят процессида фуқаролик даъвосини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Челябинск: УдмДУ ҳузуридаги Ҳуқуқ, ижтимоий бошқарув ва хавфсизлик институти, 2006. — 261 бет.